# ЗАМОНАВИЙ ОФИЦЕР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ҳар қандай устоз ўзининг фахрланишга арзигулик шогирдлари бўлишини истайди. Менинг қўл остимда ҳам шундай посбонлар йўқ эмас. Гуруҳ командирлари — лейтенантлар Денис Шоназаров, Нодир Жўраев, шартнома бўйича хизмат кичик сержантлари — Одил Пардаев, Санжар Воисов, шунингдек, оддий аскарлар — Жаҳонгир Одилов ва Шерзод Турғуновлар ўз хизматлари билан умумжамоа ғалабаларига салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. Уларга ҳар қандай вазиятда бемалол ишонса бўлади.

Дарвоқе, тошкентлик бу катта лейтенант оиласида ёлғиз ҳарбий эмас. Тўлқин аканинг бош фарзанди Шерзод, яъни Фарҳоднинг акаси ҳам Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртини тамомлаган. У ҳам катта лейтенант.

— Энг яхши деб топилиш, шунга лойиқ бўлиш, қолаверса қилган меҳнатинг самарасини кўриш, хатти-ҳаракатларинг муносиб тақдирланиши қувонарли, албатта. Бироқ, берилган бу юқори баҳо ўз навбатида мен каби тақдирланганларга қўшимча масъулият юклаб, янада кўпроқ изланишга ундайди. Инсон эришган марраларда тўхтаб қолмаслиги, замон билан қадам-бақадам юриши керак, деб ҳисоблайман. Чунки, интилиш бор жойда ўзгариш, ривожланиш ва олға силжиш бўлади.

Бош мақсадим — ислоҳ этилаётган, нуфузи ортаётган бугунги миллий армиямизга муносиб замонавий офицер, профессионал бўлишдир, — дейди катта лейтенант Фарҳод Норйигитов суҳбатимиз сўнгида.

Соҳа мутахассисларининг фикрича, кўпгина инсонлар ўз имкониятлари даражасини билишмас, ундан тўлақонли тарзда фойдаланишмас экан. Бунинг сабаблари сирасига касб танлашдаги хатолик ёки касбий билим ва тажрибани орттиришга интилмаслик, ўз устида ишламасликни киритиш мумкин. Бу ҳаётий ҳақиқатни Фарҳод сингари посбонлар аллақачон англаб етишгани аниқ.

**Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ,**
**«Ватанпарвар» мухбири.**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲАРБИЙ ПРОКУРАТУРАСИДА

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси ҳайъатининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари — Республика Ҳарбий прокурори адлия полковниги Шуҳрат Узоқов «Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси органларининг Қуролли Кучларда қонунийликни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши курашни ташкил этиш, ҳарбий хизматчилар ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя этиш борасида 2003 йил мобайнидаги фаолияти якунлари ва келгусидаги вазифалари тўғрисида» маъруза қилди.

Йиғилишда таъкидланишича, Ҳарбий прокуратура органларида умумий назорат фаолиятининг бир қатор кўрсаткичлари, айниқса, зарарларни ундириш миқдори, қўпол қонунбузарликлар юзасидан жиноят иши қўзғатиш ва судларга даъво киритиш сони ошган. Ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятни олдини олиш йўналишида қўмондонликлар билан ҳамкорликда кўрилган чора-тадбирлар ва профилактик ишлар натижасида 2003 йилда умумий жиноятчиликнинг, айниқса, Қуролли Кучларнинг жанговар шайлиги ва ҳарбий хизматнинг нуфузига путур етказувчи низомга зид ҳаракатлар қилиш, хизмат жойини ўзбошимчалик билан ташлаб кетиш, қоровул хизматини ўташ қоидаларини бузиш жиноятлари камайганлиги, қурол-яроғ билан муомалада бўлиш қоидаларини бузиш жиноятларининг ўсишига йўл қўйилмаганлиги, терговни такомиллаштириш йўналишида кўрилган чора-тадбирлар боис ўтган даврда белгиланган муҳлатдан ортиқ тергов қилинган, тўхтатилган ва суд томонидан қўшимча терговга қайтарилган жиноят ишлари сони камайган. Судларда ишларнинг кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш борасида давлат айбловининг сифат ва самарадорлигини ошириш, суд томонидан қонуний ва адолатли қарорлар қабул қилинишини таъминлаш чоралари кўрилган. Ҳарбий хизматчилар ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашда уларнинг мурожаатлари, ариза ва шикоятлари ўз вақтида қонуний ечимини топишга алоҳида эътибор берилган.

Кун тартибидаги масала юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси матбуот хизмати.**

# МЎЛЖАЛГА ОЛУВЧИ ОПЕРАТОР

Шартнома бўйича хизматга кириб, профессионаллик сари қадам ташлаган ўғлонлар билан кўп суҳбатда бўлганман. Уларнинг бари армия мактабини кўрган. Яъни, муддатли ҳарбий хизмат қилиб, соҳа илмини озми-кўпми эгаллашган эди. Ҳа, профессионалларни тайёрлашда айнан йигитлик бурчини ўтаганларга таянаётганимиз бежиз эмас, албатта. Айниқса, бурчини ўтаган жамоасида шартнома асосида хизматини давом эттираётганларнинг самараси катта. Қадрдон жамоаси бўлгач, паст-баландини яхши билади. Лавҳамиз қаҳрамони оддий аскар Отабек Дурдиев ҳам ҳаётини ҳарбий соҳага боғлаш ниятида юрибди. Баҳорда муддатли хизмати ниҳоясига етганида, профессионаллик сари одимламоқчи.

2002 йилнинг кузида армия сафига чақирилган ўғлон ўз олдига аниқ мақсад қўйди. Ҳарбий соҳанинг муайян мутахассислигини эгалламоқчи бўлди. Ниҳоят, мўлжалга олувчи оператор бўлишга қарор қилиб, тегишли муддат давомида ўқиди, ўрганди. Қарабсизки, пиёдалар жанговар машинаси учун мўлжалга олувчи оператор бўлиб шаклланди. Мўлжалга олиш илми аниқликни, пухталикни яхши кўради. Отабекда эса бу ҳар икки жиҳат устувор. Дейлик, доимо жанговар вазифаларни аниқ, пухта, ишончли бажаради.

...Мудофаа чизиғида турган жанговар машина экипажига ҳаракатланувчи нишонларга — шартли душманга қарата ўт очиш буйруғи берилди. Мўлжалга олувчи оператор дастлаб 200, сўнгра 500 метр, ниҳоят минг метр масофадаги нишонга қарата ўт ёғдирди. Учала нишон ҳам яксон этилгани ҳақидаги хабар қисм командирига етказилди. Машғулот ниҳоясида капитан Салим Аҳмедов мўлжалга олувчи оператор — оддий аскар Отабек Дурдиевга эришган муваффақияти учун қисқа муддатли таътил эълон қилди.

Мана, кичкина бир мисол орқали профессионал бўлишга аҳд қилган посбоннинг соҳаси бўйича маҳорати қиррасини билиб олдингиз. Келинг, энди унинг сўзларини ҳам эшита қолайлик:

— Ҳарбийликнинг асл ўғлонлар касби эканлигини армияга келиб яна бир бор англадим. Агар ниятимга етиб, шартнома бўйича хизматни давом эттирсам, билим, маҳоратимни янада ошираман. Жанговар техникани бошқаришни ҳам пухта эгаллайман. Компьютер билан ишлашни ўрганаман. Хуллас, ислоҳотлар талабидаги сержант бўламан.

Айни пайтда қизғин суръатда давом этаётган қишки ўқув мавсумида Отабек ва сафдошлари жанговар ютуқларни қўлга киритишмоқда. Мақсади, мўлжали профессионал ҳарбийлик бўлган ўғлон кун сайин маҳоратини тоблаяпти.

**Капитан Ш. ТОЛМАСОВ.**

◆

**Шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Нуритдин Келжанов бошчилик қилаётган батарея ўз жанговар вазифаларини ҳар доим аъло даражада бажариб келмоқда. Чунки батарея аскарлари жисмонан чиниққан, ҳар бир ўқув машғулотига астойдил киришади.**

**Улар яқиндагина Ватан ҳимоячилари куни, Қуролли Кучларимиз 12 йиллигини, муносиб ютуқлар билан кутиб олдилар. Бунда батарея командири Н. Келжановнинг ҳиссаси катта.**

Суратда: **батарея командири шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Нуритдин Келжанов.**

**Александр МРУЧАК**
олган сурат.



## ● С ПОЛЕЙ БОЕВОЙ УЧЕБЫ

# ТЯЖЕЛО В УЧЕНИИ...

Сразу после празднования 12-й годовщины Вооруженных Сил Республики Узбекистан воины подразделения, где служит лейтенант Б. Шожиддинов, выехали в поле на занятия.

В работе связистов условностей не бывает. Тут все в режиме реального времени: настроил аппаратуру, вышел в эфир, обеспечил устойчивой связью. Просто? Не скажите. Только знанием теории и парой тренировок здесь не обойдешься. Работать надо на совесть. Потому и не сидят сложа руки подчиненные лейтенанта Ботира Исомиддинова, с первых дней зимней учебы настойчиво овладевая воинской специальностью.

Взять младшего сержанта Б. Суюнова. Это сейчас он мастер, каких поискать. А ведь начинал, как и все, с малого, только трудился больше остальных. Сегодня он в числе тех, кто является лучшим из лучших в подразделении. Потому доверено Батыру обучение сослуживцев. Таких, как рядовые Б. Шодмонов, И. Колесников и А. Рахматов.

Нелегко сегодня подразделению справляться с поставленными учебно-боевыми задачами. Новички пока полностью не втянулись в нормальный ритм боевой учебы. Требуется время, чтобы каждодневный труд и уверенность в своих силах превратили их в настоящих специалистов своего дела. Армейский слоган «Тяжело в учении — легко в бою...» познается здесь на практике.

... Окончились занятия. В самый раз пришелся горячий чай, полевая кухня, сдобренная армейской шуткой и воспоминаниями о минувшей тренировке. Прошла она не зря — и антенно-мачтовые установки, гордо красуясь в горно-пустынной местности, подтверждают высокий уровень профессионального мастерства связистов.

**Лейтенант М. ХАСАНОВ.**

# БИЛИМДОН АРТИЛЛЕРИЯЧИ

2001 йилда муддатли ҳарбий хизматни ўтаганида Ғофур орудия командири эди. Яъни, миномётчилар гуруҳида. Аскарлик ҳаёти давомида соҳани озми-кўпми ўрганди. Аввало ўзига ишониб топширилган жанговар қуролнинг техник тавсифи, унинг имкониятлари борасида маълумотга эга бўлди. Мўлжалга бехато отишда нишон бурчаклари, координаталарини ўрганди. Ҳар ҳолда муайян кўникма ҳосил қилди. Бироқ хизматини шартнома бўйича давом эттирганда ва айнан шу соҳада қолганида талаб бошқача бўлди. Энди у кичик командир. Бу юксак билимга эга бўлиш, профессионал бўлишни талаб қиларди. Аскарликда артиллерия қурол-аслаҳалари бўйича умумий маълумотга эга бўлган бўлса, энди талаб бошқача. Вазифаси нишонга отишнинг ўзи билан чекланмайди. Хуллас, профессионаллашуви учун қўшимча билим, тажриба лозим эди. Посбон ўйлаб ўтирмасдан сержантлар тайёрлаш мактабига ўқишга боришга қарор қилди. Жанубий-ғарбий махсус ҳарбий округдаги профессионаллар тайёрлаш масканига ўқишга кирди, ўғлон. Орудия командирларини тайёрлаш факультетида ўқиб, артиллерия соҳасидаги энг замонавий билимларни эгаллади. Нафақат жанговар техника, қурол-аслаҳани, балки уни жангда қўллаш тактикасининг илғор жиҳатларини ҳам ўргана борди. Билимли, интилувчан бу ўғлонни сержантлар тайёрлаш мактабида гуруҳ командирлигига тайинлашди. Аскарликдан соҳа бўйича кўникмалари борлиги сабаб, тез орада билимларни ўзлаштирди. Унга подполковник Исмоилов, подполковник Рашидов, майор Раимов каби устозлари яқиндан ёрдамлашдилар. Ниҳоят 2003 йилнинг баҳорида кичик сержант Ғофур Ҳаётов қадрдон жамоасига қайтди. Артиллерия соҳасининг етук билимдонларидан бўлиб, албатта.

— Мен профессионалликни шундай тушунаман. Дейлик, соҳам артиллериями, унга тааллуқли барча жиҳатларни эгаллашим лозим. Бўш вақтларимда адабиётлар ўқиб, спорт билан шуғулланиб, шаклланмоғим керак. Тактика бўйича билимларни мустаҳкамлаш ҳам муҳим. Масалан, тоғ шароитида жанг олиб бориш тактикаси борасида муайян кўникмаларим бор. Хуллас, ўз олдимга шу сингари талабларни қўйиб, хизмат қиляпман, — дейди шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Ғ. Ҳаётов.

Тиришқоқлик кучли хоҳишга асосланган бўлади. Лавҳамиз қаҳрамонининг хоҳиши негизида соҳага бўлган, юртга бўлган муҳаббат ётади.

**Капитан Алижон САФАРОВ,**
**«Ватанпарвар» мухбири.**

● ФУТБОЛ

## «ПАХТАКОР» ҲАМОН ҚИТЪАДА БИРИНЧИ!

Халқаро футбол тарихи ва статистикаси федерацияси — ХФТСФ 2003 йил якунлари бўйича дунёнинг 350 энг кучли футбол клублари рейтинг жадвалини эълон қилди.

Жадвалга кўра, Италиянинг 295 очко жамғаргач «Милан» жамоаси кучлилар рўйхатининг биринчи поғонасини эгаллади. Иккинчи ўринда Испаниянинг «Реал» жамоаси қайд этилган. Шунингдек, Бразилиянинг «Сантос», Аргентинанинг «Бока Хуниорс» ва Португалиянинг «Порту» клублари кучли бешликдан жой олди.

Ўтган йили Ўзбекистон чемпиони, мамлакат кубоги соҳиби ва Осиё чемпионлар лигаси ярим финалчиси — Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси 112 очко билан жадвалда 106-ўринни эгаллаган. Ушбу рейтинг жадвалига биноан пахтакорчилар Осиё футбол клубларининг барчасини ортда қолдирган. «Сариқ қитъа» вакилларидан «Пахтакор»га энг яқин турган — Хитойнинг «Дальян Шайд» жамоаси 182-ўринда қайд этилган. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) мамлакатлари чемпионатлари иштирокчиларидан фақат иккитаси «Пахтакор»дан юқорида. «Динамо» (Киев) 49-ўринда бўлса, Москванинг «Спартак» жамоаси 85-ўринда бормоқда.

Халқаро футбол ассоциациялари федерацияси — ФИФА ҳам миллий терма жамоаларнинг янги рейтинг жадвалини эълон қилди.

Беш карра жаҳон чемпиони — Бразилия миллий терма жамоаси 848 очко билан рейтинг жадвалининг энг юқори поғонасидан жой олди. Рейтингда Франция, Испания, Голландия ва Аргентина терма жамоалари кучли бешликни ташкил қилди.

Равшан Ҳайдаров бош мураббийлик қилаётган Ўзбекистон миллий терма жамоаси 496 очко билан рейтинг жадвалининг 82-поғонасида турибди.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

● ФУТБОЛ. КУБОК СОДРУЖЕСТВА

## НЕУДАЧИ ЗАКАЛЯЮТ

Как вы уже знаете, «Пахтакору», для того чтобы пробиться в следующую стадию розыгрыша Кубка чемпионов Содружества, нужна была победа и только победа над белорусским «Гомелем». В шаге были от этой цели наши футболисты, но прошлогоднее достижение им не покорилось. Сыграв вничью — 2:2, они не вышли из группы, и теперь балом правят другие. Досадно? Еще как, ведь задачу по выходу в четвертьфинал «Пахтакор» мог решить уже во встрече с ЦСКА. Тогда, на 17-й минуте, Таджиев открыл счет и, казалось, ташкентцы разовьют успех, тем паче что на отдельных отрезках игры их преимущество как игровое, так и территориальное было если не подавляющим, то внушительным — это уж точно. Молодые армейские футболисты не всегда поспевали за перемещениями узбекистанцев и раз за разом допускали промахи в защите. Но воспользоваться этим «Пахтакор» не сумел. Несколько раз выходили на ударные позиции Солиев, Пономарев, однако их удары были неточными, зато в двух безобидных ситуациях ташкентцы пропустили два гола.

Анализ выступления «Пахтакора» в Москве еще впереди, но, думается, воспринимать эту неудачу как трагедию не стоит, ведь впереди не менее ответственные старты. Уже одиннадцатого февраля он играет в Лиге чемпионов Азии против иранского «Зоб Ахана», а значит, думать надо о будущем, о лучшем будущем.

**Ярослав КОРУКА.**

● ТЕЛЕАНОНС

## «ВАТАНИМГА ХИЗМАТ КИЛАМАН»

1 февраля в 10 часов по первому каналу Узбекского телевидения смотрите очередной выпуск военно-патриотической передачи «Ватанимга хизмат киламан», подготовленный Военной студией Министерства обороны Республики Узбекистан.

В этой передаче тележурналисты Военной студии расскажут о ратных буднях и боевой учебе воинов-узбекистанцев, осваивающих азы воинских профессий в учебных аудиториях и на полигонах в военных округах и гарнизонах в зимнем периоде обучения. Авторы подготовят и видеоряд сюжетов в постоянных рубриках передачи.

Повтор этого выпуска смотрите во вторник, 3 февраля, в 16.55.

**Наш корр.**

### ОТВЕТЫ НА КРОССВОРД, ОПУБЛИКОВАННЫЙ В № 6

**ПО ГОРИЗОНТАЛИ:** 3. Монпарнас. 7. Ток. 10. Ярд. 11. «Руслан». 12. Уголок. 13. Кап. 15. Приток. 16. Вагнер. 17. Трос. 20. Смета. 22. Такт. 23. Почва. 24. Квота. 25. Глина. 28. Тент. 31. Лада. 32. Горло. 33. Осень. 37. Егоза. 38. Самосад. 39. Нетто. 40. Семечки. 41. Простор. 44. Макет. 45. Дедал. 46. Косинус.

**ПО ВЕРТИКАЛИ:** 1. Марка. 2. Сомбреро. 4. Оладья. 5. Август. 6. Арабеска. 8. Гудок. 9. Гопак. 13. Крамола. 14. Паутина. 18. Спектр. 19. Овоскоп. 21. Увалень. 22. Табель. 26. «Мерседес». 27. Одеколон. 29. Алмаз. 30. Исаак. 34. Язычок. 35. Догматик. 36. Рекорд. 42. Флот. 43. Круг.

## КРОССВОРД



**ПО ЦЕПОЧКЕ:** 1. Шотландский «динозавр». 2. Православный монах. 3. Марка велосипеда. 4. Биополе. 5. Портвейн имени курорта. 6. Шустрая часть коллектива. 7. Путешествия (устар.). 8. Прошлогоднего снега у такого не выпросишь зимой. 9. Гадальные карты. 10. Яичница с молоком. 11. Бальный танец. 12. Долгокруг (по В. Далю). 13. Настольная игра. 14. Река в Щецине. 15. Стремительное нападение. 16. Масло для двигателей. 17. Союз, объединение лиц, организаций. 18. Хит группы «Любэ». 19. Выслеживание и розыск преступников (устар.). 20. Котел под плов. 21. Предохранение от заражения при операциях и лечении ран. 22. Друг Портоса. 23. Напиток из мякоти плодов. 24. Попугай с хохлом на голове. 25. Белый медвежонок. 26. Журавль-трубач из Бразилии. 27. Абориген европейского государства. 28. Точная выдержка из текста. 29. Ряд арок.

**ПО МАЛОМУ КРУГУ:** 30. И Ахматова, и Герман. 31. Дугообразное перекрытие. 32. Опера Верди. 33. Жаргон. 34. Жалящее насекомое. 35. Любимые сигареты Деточкина («Берегись автомобиля»). 36. Джомолунгма. 37. Клич танцора лезгинки.

**ПО БОЛЬШОМУ КРУГУ:**

**Составила З. ИСАКОВА.**

# АСТРОЛОГИЧЕСКИЙ ПРОГНОЗ

**ОВЕН.** Неделя разделится — на две половины: начало хорошо подойдет для завершения начатого ранее, конец принесет удачу в новых начинаниях. Деловые встречи не принесут желаемых результатов, лучше перенести их. Во второй половине недели возрастет творческий потенциал. Время лучше посвятить построению планов на ближайшее будущее.

**ТЕЛЕЦ.** Может подвернуться новая выгодная работа или дополнительный кратковременный заработок. Ориентируйтесь по ситуации, не воспринимайте это как обязательства. Не исключено, что сочтете нужным отказаться от предложения. Служебная деятельность может принести приятные сюрпризы.

**БЛИЗНЕЦЫ.** Плановые мероприятия могут сорваться. Будет получаться спонтанное. Будет выгодно деловое сотрудничество с родственниками. Осчастливят своим появлением друзья. Планы могут меняться сто раз в день, в угоду настроению близких людей. Есть время для раздумий и чтения философской литературы.

**РАК.** Не стоит глубоко погружаться в собственные проблемы, не говоря уж о чужих. Ничего особо огорчительного неделя не принесет, а мелкие неприятности лучше забыть сразу. Некоторые события на работе не вызовут особого энтузиазма, но говорить об этом вслух не стоит. Желательно на время отключиться от дел и отдохнуть. Не надо изводить себя и своих близких чрезмерной экономией.

**ЛЕВ.** Как никогда нуждаетесь в надежном партнере. Возможны проблемы при организации встреч с нужными людьми. Стоит воспользоваться подсказками интуиции. Будьте внимательнее к намекам начальства. Можете ощущать себя неуютно и скованно на заранее запланированных мероприятиях. Может вырасти ваша популярность среди коллег.

**ДЕВА.** Можете открыть в себе неизведанные ранее грани и таланты. Профессиональная жизнь оживится, многие поддержат ваши начинания. Стоит поостеречься доброжелателей, особенно любящих поболтать. Во второй половине недели можете внезапно изменить стиль своего поведения. Стоит выделить время для построения планов на ближайший месяц. В выходные желательна поездка на природу.

**ВЕСЫ.** В делах вам может сопутствовать удача. Причем помешать ей может собственная же дипломатичность. Пренебрегайте условностями, не пытайтесь завуалировать острые углы. Во второй половине недели возможно дальнее путешествие. Принимая важные решения, постарайтесь отбросить в сторону все второстепенные задачи.

**СКОРПИОН.** Придется изрядно потрудиться, дела будут продвигаться медленно. Особенно следует обратить внимание на свои недостатки и постараться их исправить, таким образом сможете избежать многих неприятностей. Понедельник — благоприятный день для поездок и командировок. Следует поискать общие интересы с близкими и постараться организовать совместный с ними отдых в выходные.

**СТРЕЛЕЦ.** Будете находиться в хорошем расположении духа. Все намеченное будет получаться с первого раза. Препятствий в достижении желаемых результатов не возникнет. Появится возможность реализовать свои желания и сделать ответственные шаги. Способность находить верные решения и своевременная поддержка близких людей помогут создать отличные предпосылки для успеха.

**КОЗЕРОГ.** Не стоит переоценивать собственные силы. Прислушайтесь к советам коллег по работе. Не стоит распыляться на несколько дел одновременно. Срочно придется принять ряд неотложных решений. Не стоит планировать ничего серьезного. Вероятны резкие перепады настроения.

**ВОДОЛЕЙ.** Неделя может принести нескончаемые хлопоты как на работе, так и дома. Не раз будете готовы взорваться, выйти из себя. Сдержанность не позволит это сделать. Новые проекты получат дополнительный толчок. Что бы ни происходило, все окажется к лучшему. Поездки и командировки позволят улучшить ваше благосостояние.

**РЫБЫ.** Можете столкнуться с проблемой, которая заставит серьезно задуматься над сложившейся ситуацией. В поездках любой дальности (в том числе — и на лифте) возможны непредвиденные задержки и опоздания. Постарайтесь пересмотреть свои представления о дружбе. Не стоит недооценивать своих побед, но чем меньше об этом будут знать окружающие, тем будет лучше.

Бош муҳаррир
полковник
Ирисмуҳаммад
АБДУКАРИМОВ

Газета сешанба, пайшанба, шанба кунлари чиқади.
АЛОҚА ТЕЛЕФОНЛАРИ:
Обуна бўлими — 56-03-46.
Маълумот, реклама — 56-54-76.
Факс (3712) — 56-07-80.
Таҳририят манзили: 700031, Тошкент шаҳри, Д. Кўнаев кўчаси, 21-уй.

Реклама ва эълонларнинг ҳаққонийлиги учун реклама берувчи жавобгар ҳисобланади.
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 032 рақами билан рўйхатга олинган.
«Ватанпарвар» газетаси босмахонасида чоп этилди.

Буюртма № 016.